



# Ishonch


O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 26-iyun № 77 (3114) seshanba



## Меҳнат зафарларимиз Мустақилликнинг 21 йиллигига

Янгиариқ туманидаги «Остона» қишлоғида қад кўтарган намунали уй-жойларни кўрган кишининг ҳаваси келади. Янги иморатларда истиқомат қилаётган аҳолининг кўпчилигини ўқитувчилар оиласи ташкил этади.

### Янги уй-жойлар

— Муҳтарам Юртбошимизнинг ғамхўрлиги ва эътибори тўғрисида шундай кўрам ва обод масканда жойлашган, ҳар томонлама қулай ва сифатли қурилган уй-жойга эга бўлдим, — дейди қувонч билан 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси С.Сайдаматова.

Султонпошша опанинг келини Турсунои Собирова география фанидан дарс беради. Унинг умр йўлоғи Маҳмуджон қўли гул қурувчи. Оилада аҳиллик ва хотиржамлик, ўзаро меҳр-оқибат қадрланади.

— Турмуш ўртоғим Шавкат Худойбергенов тадбиркор, — дейди тажрибали муаллима Султонпошша опа. — У ҳам янги уйга кўчиб ўтганимиздан мамнун. Банкдан 37 млн. сўм кредит олиб, шундай ҳашаматли мулкка эга бўлдим. Энди кредит фойзини ҳар ойда тўлаб бораёпмиз.

Туманда йигирмадан зиёд ўқитувчилар оиласи намунали уй-жойларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйларини ўтказишди.

**Бибражаб КЎЧҚОРОВА,**  
Янгиариқ туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси

Марғилонни тадбиркорлар шахри дейишади. Худудда 1700 тадан зиёд субъект кичик бизнес, 3000 нафарга яқин киши яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Бу деярли ҳар бир оиланинг бизнес ёхуд тадбиркорликда ўз ўрни борлигини аниқлатади.

### Ҳар соҳада пешқадам

Расулжон Мирзааҳмедов яқка тартибда фаолият юритувчи тадбиркор. У оилавий «Хунарманда» хусусий корхонасини бошқаради. Корхонада ишлаб қилинган, атлас, адрес ва шарфлар ишлаб чиқарилади. Р.Мирзааҳмедов «Ташаббус — 2011» кўрик-танловида «Энг яхши оилавий бизнес» номинацияси ғолиби бўлди. Расулжон Мирзааҳмедов ва тадбиркор Муҳаммаджон Каримов раҳбарлигидаги корхоналар ишлаб чиқараётган ноёб ипаки матолат АҚШ, Япония, Францияда ўтказилган халқаро кўргазмалар соҳибдори бўлган.

Қолаверса, Мухсинжон Қосимов бошқараётган «Нурли тонг Силк» МЧЖ пиллани қайта ишлаб, ипак қалавалари етказиб бераётган бўлса, Неъматулла Мусажаонов бошлиқ «Наримтекс» корхонасида жажон андозаларидаги аёллар кийимлари тайёрланмоқда.

Марғилон миллий хунармандчилик санъати билан ҳам дунёга танилган. Шаҳардаги Хунармандлар уюшмаси, «Олтин мерос» жамғармаси, Ёш хунармандлар ресурс маркази каби даргоҳларда юзлаб йигит-қизлар мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, атлас, адрес ва гилам тўқиш каби хунарларни эгаллашмоқда. Турли хунармандчилик мактаблари ҳам қўллаб ёшларнинг қобилиятини юзга чиқараяпти. Марғилон миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи эса маҳорат мактабига айланган.

**Солиҳ ҚАҲҚОР**

### ИФТИХОР

## Лейтенантларга оқ йўл тилаб...



Яқинда Ички ишлар вазирлиги Академиясида наватбади битирув тантанасига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар битирувчиларни ўқишни муваффақиятли тамомлаб, лейтенант унвони ва дипломига эга бўлганлиги билан самимий табриқлаб, оқ йўл тилашди. Шундан сўнг, Олий Академик курслари ҳамда 4-ўқув курси битирувчиларига дипломлар тантанали равишда топширилди.

— Қувончимнинг чеки йўқ, — дейди Самарқанд вилояти Булунғур туманидан келган Саломат Усмонов. — Ўғлим Холмуроджоннинг бошқа сафдошлари қатори юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилишга қодир бўлиб вояга етганидан мамнунман. Шундай мард ва жасур ўғлонларимиз бор экан, ҳаётимиз тинч ва осуда давом этади.

Дарҳақиқат, эл қорига ярайдиган фарзанд улгайтирганидан фахрланиш қанчалик катта бахт эканлигини бу ерга таширф буюрган ота-оналарнинг нигоҳларига боқиб аниқлаш мумкин.

**Фозил МАМАШАРИПОВ** олган сурат



Кечаги ва бугунги Наманган... Ҳар икки даврда ҳам хунарманду қўли гул усталир, миришкор деҳқону соҳибкор боббонлар бу юрт номини атрофга ёйди. Бироқ ҳамма гап бу ишларнинг қандай шароити имкониятда бажарилганига боғлиқ. Меҳнат маҳсулининг кўнжинга тикиб, минг бир ҳадик билан бозорга солиш қайқанда, бир неча йиллардан сўнг шу хунарнинг орқасидан дунё кезиш, оламни таниш ҳиссини ўз кўнглингдан кечириш қайқанда? Бу ўзгаришларга шу ҳаётини мисолни бир неча бор бошдан ўтказган наманганликлар гувоҳ.



## Истиқлолдан бахт олган эл

Вилоят шонли йигирма йил ичида нафақат ташқи қиёфаси, балки иқтисодий кўрсаткичлари, фарзандларининг салоҳияти билан ҳам ривожланишининг юксак чўққиларини кўзлаётганини исботлашга улгурди. Ватан меҳрини бошига тож билган наманганликлар ҳар соҳада илғор бўлишга, илғорликда ҳам ҳамманинг ҳавасини келтира оладиган даражага чиқишга интилишмоқда.

Вилоят марказида кунда эмас, балки ҳар соатда юз бераётган улкан ўзгаришлар, ютуқлар зумда энг чекка худудларда ҳам акс-садо бераётди. Шунинг учунми, Наманганнинг исталган нуқтасида улкан бунёдкорлик ишлари, янгиликнинг бошидан тутиб, элга наф келтираётган одамларнинг хайру саховати устидан чиқасиз.

1916 йил... Фарғона генерал-губернатори номига Наманган уезди бошлиғидан арзнома келиб тушади. Бу мурожаатнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда кўчаларни ёритиш учун олти литр керосин сўралган эди. Шу олти литр ёқили теймир йўл шох-бекатидан шаҳар ҳокимлигига бўлган йўлни ёритишгагина етарди. Бугун эса Наманганнинг нафақат маркази, энг чекка худудларида ҳам рангинг тунги чироқлар ўз жилвасига шайдо қилишни қасд этганидек ялғай порлаб турибди. Истиқлол арафасида ҳам электр энергияси тақсимот асосида бериларди. Утган қисқа фурсат ҳужмини қарангки, вилоятнинг бу манбага бўлган эҳтиёжи ҳеч қандай муаммоларсиз қондирилмоқда.

Арзномасининг қаноатлантирилишига умид боғланган уезд бошлиғи орадан йиллар ўтиб шу тупроққа бир бунёдкор одам қадам қўйиб, одамлар ҳаётини бутунлай ўзгартириб

юборишига ишонганмикан? Бу ҳақда бир нарсга деёлмаймиз-у, аммо Наманган аҳлининг ҳаёт зарварларига 2009 йилнинг 2 июли олтин ҳарфлар билан битилганига гувоҳ бўлдим.

Ободончиликлар ҳақида гап кетадими, ютуқлар зумда энг чекка худудларда ҳам оддий сўзлашув тилида «Президентимиз келган йили» деган вақт бirlлиги пайдо бўлганини сезасиз (Аслида, Юртбошимиз авваллари ҳам вилоятга таширф буюрган, бироқ айнан 2009 йилги кўрсатма ва тақлифларидан сўнг худудда улкан бунёдкорлик ишларига киришилди). Халқ кўнглидан чуқур жой эгаллаган, хотирасида ўчмас бўлиб муҳрланган ҳодисаларгагина шундай муносабат билдирилади. Демакки, Юртбошимизнинг бу таширфи наманганликларнинг юрак-орағиди орузи бўлган, табиийки, унинг рўёби ҳеч нарсасга алишилмас хотирадир. Айни шу дийдор улкан тараққиёт генераторига туртки бўлди.

### СТЕЛЛА ОСТИДАГИ ЎЙЛАР

Вилоят бўйлаб сафаримизни «Тинчлик стелласи» остидан бошлаймиз. Зеро, бу табаррук жой вилоят аҳли учун фахру гурури, юртсеварлик ва шуқроналик рамзидир.

2004 йилнинг 17 сентябр кунин Президент Исом Каримов вилоят кенгашининг наватбадан ташқари сессиясида иштирок этиб, шундай тақлиф билдирган эди: «...Наманган шаҳрининг марказини ҳам аниқ белгилаб, шу юртининг тарихий сиймоларини ёдга солиб турадиган гўзал бир истироҳат боғи ташкил қилсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлар эди».

Кўпчиликнинг кўнглига чироқ ёққан бу ташаббус устида изланишлар дарҳол бошлаб

юборилди. Қурувчи меъморлар ўртасида ўтказилган танлов натижасига кўра тошкентлик Умрзоқ Раҳимов лойиҳаси ғолиб деб топилди. Давлатимиз раҳбари наватбадаги таширф чоғида лойиҳа билан танишиб, тақлиф-мулоҳазаларини билдирди. Бош меъмор ғоялари билан такомиллашган лойиҳага асосан, тўрт устун ўрнига битта, саккиз қиррали юлдуз эса саккиз гулбаргли косагулга, ер шарни рамзи гулнинг асосига айлантирилди. Рамзлар не деярлигина эътибор қилинг: агрона ва мустаҳкам устун хур ва фаровон ҳаётимиз асоси бўлган адолатли қонунлар бўлса, Наманган рамзи бўлган косагулнинг саккизбаргли эса Шарқ тамсил санъатидаги саккиз қиррали юлдуз сингари жипслик, мустаҳкамлик ифодасидир. Стелла чўққисидан парвоз қўшиғини авж пардаларда қўйлаётган, мусаффо осмонда толмас қантолларини баралла ёйган жуфт турналар эса ўзбекона муҳаббат, садоқатга бой оила тимсоли. Хотиржам парвоз эса омон-омон замонамизга ишора.

Кўпчиликка маълум, турналар тинч, осуда жойлардангина учиб ўтишади. Уларнинг арғамчиси ҳам шундай жойларда узилмас бўлади. Қолаверса, табиатнинг бу муъжизаси оғохлик, донишмандлик рамзи ҳамдир. Стеллада айнан шундай қўшлар образи гавдалантирилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Стелла билан ҳамоҳанглик касб этган бош майдон бўсағасида меҳмондўст элнинг эшик эгали эканлигини эслатиб битта бош дарвоза, иккита иккиламчи дарвоза қўчоқ очиб турибди.

Анвойи гуллардан таралаётган турфа бўйлар, фаворалардан сочилаётган «марварид»лар, ариқчаларнинг шилдири-шилдири «Тинчлик» майдонининг шароватини янада оширади. «Йўлингиз бардавом бўлсин!» дея

ният қилаётгандек ҳар тарафга кетган йўлакчалардан аста-аста қадам босиб, вилоятнинг жўшқин ҳаёти сари йўл солаемиз.

### АВВАЛ ИҚТИСОД...

— Мустақиллик мен учун чексиз имкониятлар эшигини очиб берди, — дейди Наманган туманидаги «Истиқлол» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Бахтиёр Умаров. — Бизнесимизнинг гуллаб-яшнаши учун шароит етарли. Мана, кичкинагина туманда жойлашган корхонамиз катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Биз каби ютуқларга эришаётган соҳадошларим вилоятимизда деярли ҳар қадамда учрайди.

Наманган туманининг Қумқўрғон қишлоғида фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада замонавий технологияларни жорий этишга қаратаётган катта эътибори тўғрисида 2010 йилда 1 миллиард 235 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди ва унинг салмоқли қисми экспорт қилинди.

— Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишга қаратаётган катта эътибори тўғрисида 2010 йилда 1 миллиард 235 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди ва унинг салмоқли қисми экспорт қилинди.

**(Давоми 4-бетда).**

### ВЕЛОСПОРТ

Касаба уюшмаларининг велоспортни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ. ЎзКУФК ташаббуси билан жойларда ўтаётган веломарафонлар тўғрисида хамюртларимиз орасида ушбу спорт тури оммалашмоқда.

## Саломатлик — биринчи ўринда

— Эл саломатлигини янада мустаҳкамлашда бу спорт турининг ўрни беқийёс. Ана шундай эзгу аъмолни рўйбга чиқариш, ЎзКУФК Раёсатининг «Хаваскор спортчилар ўртасида Республика веломарафонини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида барча худудларда мусобақалар ташкил этилди. 28-29 июн кунлари «Наврўз» мажмуасида ўтказиладиган мазкур веломарафонда юртимизнинг турли гушаларидан таширф буюрадиган 110 нафардан ортиқ спортчиларнинг иштирок этиши мўлжалланмоқда. Ташкилий қўмитанинг уч бора

ўтказилган йиғилишида мусобақани юқори савияда, байрамона руҳда ташкил этиш борасида бир қатор тадбирлар режаси белгиланди, — деди ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Жаҳонгир Худойқулов.

Касаба уюшмаларининг ғамхўрлиги остида аҳоли ўртасида саломатлигини унун фойдали бўлган ушбу спорт турига нисбатан бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда, жойларда Велоспорт федерацияси ишини жонлантириш бўйича муҳим қадамлар ташланяпти.

**Адхам АРСЛОНОВ,**  
«Ishonch» мухбири

Коракалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тармоқлар ўртасида «Веломарафон» уюштирилди. Нукус шаҳридаги «Турон» стадионида бўлиб ўтган мусобақада юзлаб хаваскорлар ўз имкониятини синаб кўришди.

— Велоспорт бўғимлардаги оғриқлар, ортиқча семизликнинг олдини олиши, умуртқа поғонасининг саломатлигини таъминлаш ҳақида эшитгач, ушбу спортга қизиқишим ортиди, — дейди мусобақа иштирокчиси Валида Тлеуова.

**(Давоми 4-бетда).**

# Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳамкори ва таянчи

**Вақт — югурик. Носиржон ака юртимиз мустақиллиги эълон қилинган пайтда навқирон ёшда эди. Ҳозирда касаба уюшма ташкилотлари Андижон вилоят бирлашмаси ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудир лавозимида ишлаётган қахрамонимиз Ўзбекистон мустақилликка эришган кунни мамнунлик билан эслайди.**

## Фидойилик унинг қонида бор

— Мустақилликни кимдир қувонч билан, кимдир, яъни ўша замонга кўйиканлар энди нима бўларкин деган хавотирда қаршилади, — дейди Носиржон ака. — Собик тузум сиёсатини яхши тушунганим учун юртимиз мустақиллигини эълон қилиш кишидан катта матонат талаб этганини яхши билардим. Вазият жуда калтис эди. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номи китобида ўша даврдаги сиёсий шароитга аниқ ва тушунарли баҳо берилган. Демократия, бугунги фарвон ҳаётимизга осонлик билан эришилган.

Н. Саидқамолов 1949 йилда Андижон шаҳрида туғилган. 1971 йилда Тошкент политехника институти, (ҳозирги Техника университети), 1990 йилда Тошкент олий партия мактаби сиёсатшунослик бўлимини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини «Фарғонагидрорудхў» институти Андижон экспедициясида муҳандис-гидролог сифатида бошлаган. Кейинчалик турли лавозимларда, Фанлар академияси вилоят бўлими, вилоят ёшлар ташкилоти, Ўзбекистон ХДПда ишлади. 2000 йилдан бошлаб вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудир бўлиб ишлайди.

— Устозимиз Носиржон ака ўзига юклатилган вазифага катта масъулият билан ёндашди, — дейди Ҳамидулла Матисаев. — Касаба уюшма соҳасидаги масалаларга ечим топишда у кишидан беминнат маслаҳат олиб тура-миз. Ўз ишининг фидойисини, билимини, талабчан ва маданиятли инсон билан ишлаётганимиздан фахрланамиз.

Дарҳақиқат, касаба уюшма ташкилотлари юқори органларидан келадиган қарор ва топшириқларнинг бажарилиши, ижро интизоми, кадрлар масъулиятини ошириш, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, тармоқлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш, касаба уюшма афзалликларини тарғиб қилиш, аъзолар сонини ошириш ва бошқа долзарб вазифалар бўлимининг зиммасида.

Сафига 468 минг 817 нафар аъзо ва 2766 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган вилоят кенгашида иш қизгин. Айниқса, бирлашма тармоқ кенгашлари ва бирлашган кўмиталари томонидан жойларда иш ҳақининг вақтида берилиши юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Мавжуд қардорликни бартараф этиш масалалари

эса доимий мониторинг қилинмоқда.

Жорий йил бошида иш ҳақидан муддати ўтган қардорлик 1025989 минг сўмини ташкил этди. Касаба уюшмалари иш берувчилар олдида 213 та расмий талабнома кўйиш орқали 1184,4 млн. сўм, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 115 маротаба қилинган мурожаат натижасида 826,7 млн. сўм, ҳуқуқ инспекторларига 21 маротаба мурожаат қилиниб 307 млн. сўм, прокуратурага йўлланган мурожаат орқали 998,9 млн. сўм миқдоридagi қардорлик маблағлари ундирилди.

Иш ҳақидан муддати ўтган қардорликнинг юзага келишини бартараф этиш борасида амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб вилоят ҳокимлиги ва прокуратурасига 2 марта мурожаат этилди. Натижада, 2011 йилда вилоят бўйича иш ҳақидан муддати ўтган қардорлик олдинги йилга нисбатан 896,4 млн. сўмга камайишига эришилди.

Саъй-ҳаракат туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида 21 та бошланғич ташкилот тузилиб, аъзолар сони 300 тага ошди. Ариза ва шикоятлар билан ишлаш борасида қонун талабларига риоя қилинмоқда. Жорий йил бошидан бирлашмага тушган 19 ёзма, 38 та оғзаки, «Ишонч» телефонига қилинган 8 та мурожаат кўриб чиқилиб, чоралар кўрилган.

Дарвоқе, Н. Саидқамолов оилада меҳрибон ота сифатида 4 нафар фарзандни вояга етказди. Қувонарлиси, бу оилани Андижонда зиёлилар оиласи, дея эътироф этишди. Носиржон аканинг умр йўлдоши Хумайраҳон опа узок йиллар мактабда муаллимлик қилган. Катта ўғли Нохидбек олий маълумотли санаят менежменти мутахассиси бўлиб, тадбиркор сифатида «Грант-технолог» МЧЖни бошқаради. Қизи Хилолаҳон олий маълумотли иқтисодчи. Тўрт нафар фарзанднинг онаси. Кейинги ўғли Хумоюнбек ҳам олий маълумотли молиячи, аксис билан бирга ишлайди. Баҳодиржон эса Тошкент Давлат юридик институти тамомлаб, 2007 йилдан Хонобод, Асака ва Пахтаобод туманларида прокурор ёрдамчиси бўлиб ишлаб келмоқда. Хонадон келинлари ҳам олий маълумотли шарқшунос, иқтисодчи ва тарихчилардир. Фарзандлар камолини кўриб яшаётган Носиржон ака доим шукрона қилади.

**Абдулхай ЮНУСОВ,**  
«Ishonch» мухбири



**Гиёҳвандликка қаршимиз**

«Зилола» соғломлаштириш оромгоҳида Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими, Қизил ярим ой хайрия жамғармаси, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида «Биз гиёҳвандликка ҳаёт тарафдоримиз» шиори остида тадбир ўтказилди.

Ёшларни гиёҳвандлик иллатидан бохабар қилиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган чиқишлар болажонларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, тадбир доирасида ёзги биотлон мусобақаси, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи экспозициялари билан танишиш ҳам жажжи юракларда бир олам қувонч уйғотди.

**Қозим УЛМАСОВ**  
олган сурат

**Муассасамиз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги буйруғи билан 2009 йилда туғма руҳий асаб касалликларига чалинган болалар парвариши учун ташкил этилган.**

## Эътибор

Бу ерда болалар парвариши ва тиббий реабилитацияси учун барча қулайлик яратилган. Жамоада 160 дан зиёд ишчи-ҳодим фаолият олиб бормоқда. Уларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этади. Мурувват уйда 2011-2013 йиллар учун имзоланган жамоа шартномаси орқали ижтимоий шериклик асосида олиб борилаётган ишлар ишчи-ҳодимларнинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган. Вилоят тармоқ касаба уюшмаси меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақса-

дида турли маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкиллаштиришда амалий ёрдам бераётир.

Мустақам оила йили муносабати билан «Мурувват» уйи раҳбарияти ва бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ҳамкорлигида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ҳозирга қадар 12 нафар ишчи-ҳодимга моддий ёрдам кўрсатилди. Байрамлар кенг нишонланди, 19 нафар юбилей ёшидаги ҳодимлар соғалар билан тақдирланди. Жамоада фаолият олиб борувчи аёллар ўртасида «Сен азиз ва муқаддасан, аёл» мавзусида кўрик-танлов ўтказилиб, иштирокчилар рағбатлантирилди.

Халқаро болаларни

ҳимоя қилиш кунини тарбиячилар ўртасида «Юрагимни бағишлайман сенга, болажон» шиори остида 4 та йўналиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Иштирокчилар «Йил тарбиячиси», «Моҳир тарбиячи», «Билимдон тарбиячи» ва «Зукко тарбиячи» номинациялари бўйича беллашиб, ғолиблар касаба уюшмаси ҳисобидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Жорий йилнинг май ойида ахил жамоанинг бир гуруҳ ишчи-ҳодимлари Шахрисабз шаҳрига икки кунлик саёҳатга олиб борилди. Шу билан бирга, Бухоро бўйлаб зиёратга олиб бориш режалаштирилган ва у босқичли тарзда амалга оширилмоқда.

**М.АБДУЛЛАЕВА,**  
Бухоро «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

**Аёл нафақат ўз оиласи, балки жамиятнинг ҳам кўркидир. Тошкент вилоят ёқили-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ҳодимлари касаба уюшма кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси тармоқ корхоналарида ишлаётган аёллар, жамоага эндигина кириб келаётган талаба қизлар, ўз касби билан элга наф келтираётган ҳодимларга ҳар жабҳада қамарбаста бўлмоқда.**

## Оила чароғбони, жамият кўрки

Вилоят кенгаши тасарруфидаги корхоналарда 10750 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатади. Иш берувчилар билан ҳамкорликда уларнинг манфаатини муҳофазалашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, бандлик кафолатлари, уларга бериладиган имтиёзлар, яратилган меҳнат шароитлари ва ёшлар меҳнатини ҳимоялаш мақсадида жойларда тузилган жамоа шартномаларига «Аёллар меҳнатини тартибга солиш, уларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» бўлими кириптиди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда корхона ва ташкилотларда аёлларнинг фаолиятини давр талаби асосида тақомиллаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Айниқса, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилиб, иш жойларида барча шароит яратилди.

Комиссия аъзолари ташаббуси билан тармоқда турли долзарб масалалар бўйича қўллаб-қувватлов, амалий-ўқув семинарлар ташкил этиш аънаъна тусига кирди. Жумладан, вилоят кенгашининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси иш режасига кўра, Бўстонлик туманида «Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ҳуқуқат сиёсатини тарғиб қилиш, хотин-қизлар меҳнатини тартибга солиш, жамоа шартномаларида белгиланган имтиёз ва кафолатлардан тўлиқ фойдаланиш масалалари муҳофаза қилинди.

Семинар доирасида «Устоз-шогирд» йўналиши бўйича жамоа шартномаларининг «Ёшлар учун кафолатлар» бўлимида белгиланган имтиёзлар, жумладан, коллеж ўқувчиларини корхонага жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият, амалиёт дврида ўқувчиларга ҳақ тўланишини таъминлаш, қизларни ҳаётга ва оила қуришга тайёрлаш мақсадида давра суҳбати ҳам ўтказилди.

Комиссия ташаббуси билан 50 нафарга яқин тармоқ корхоналарининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислари, касаба уюшмаларининг фаол аёллари учун Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

**М.ҚОСИМОВА,**  
Тошкент вилоят тармоқ ҳодимлари касаба уюшма кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

**Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар туфайли касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида ҳам катта ижобий ўзгаришлар юз бераётир. Мухбиримизнинг агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раиси Абдулатиф Абдуназаров билан суҳбатда асосий эътибор ушбу жараёнга қаратилди.**

## Ўзгаришлар — замон талаби

— Албатта, касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар давр тақозоси, — деди, жумладан, суҳбатдошимиз. — Ҳозирда қишлоқ хўжалик тармоғида ишлаётган ва янги очилган турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, хусусан, фермер хўжалиқлари фаолиятида касаба уюшмалари ролини мустақамлашга эътибор қилиш. Шу мақсадда ушбу ташкилотлар ҳужжатларини устив талаблари асосида расмийлаштириш, жамоа шартномаларини тармоқ келишувларига мос тарзда тузиш ва рўйхатга олиш каби ишлар қизгин кечмоқда.

Касаба уюшма фаоллари ўртасида ойда икки марта ўқув-семинар ўтказиш, уларга амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш

кенг йўлга қўйилган. Касаба уюшма ташкилотларида молиявий фаолиятини замон талаби асосида ташкил этиш, меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний асосида муҳофазаланишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Маълумки, тармоқ касаба уюшмаси кўп тармоқли, турли ишлаб чиқариш тизимларини ўзида ушбу ташкилотлар ҳужжатларини устив талаблари асосида расмийлаштириш, жамоа шартномаларини тармоқ келишувларига мос тарзда тузиш ва рўйхатга олиш каби ишлар қизгин кечмоқда.

Фарғона — деҳқончилик, богдорчилик ўлкаси. Бу ерда 7 минг 530 дан ортиқ фермер хўжалиқлари мавжуд. Биргина пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисос-

лашган 3 мингдан ортиқ фермер хўжалиқларида 43 минг нафарга яқин ишчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шу орқали у ердаги касаба уюшма фаолиятини тақомиллаштириш асосий вазифамиз. Вилоятда хўжалик юритиш тизимидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда фаолиятни

лашган 3 мингдан ортиқ фермер хўжалиқларида 43 минг нафарга яқин ишчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шу орқали у ердаги касаба уюшма фаолиятини тақомиллаштириш асосий вазифамиз. Вилоятда хўжалик юритиш тизимидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда фаолиятни

— **Фурқат туманида яратил-**

**ган ана шундай намунавий тизим хусусида кўп гапирилпти.**

— Дарҳақиқат, туманда ўтган йил охиридан бошлаб касаба уюшмалари тизимида жиддий ўзгаришлар бошлаш хусусида тегишли режалар тузилган эди. Йил бошида тумандаги фермер хўжалиқлари фаолиятини ривож-

лантириш чора-тадбирларига мос равишда касаба уюшмалари ишини янги тизимга мослаш мақсадида бир қатор таъсис йиғилишлари бўлиб ўтди. Айтилик, илгари Фурқат қишлоғи ҳудудидаги фермер хўжалиқларида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотларнинг бўлиб ўтган йиғилишларида 7 кишидан уюрат янги бошланғич касаба уюшма кўмитаси сайланди ҳамда назорат-тафтиш комиссияси таркиби шакллантирилди. Аъзолар ҳудуддаги 56 та фермер хўжалиғи вакилларидан ташкил топган эди. Кейинчалик сайланган вакилларнинг туман бўйича фермер хўжалиқлари беришган касаба уюшма кўмитаси шакллантирилди.


Ҳозирда фермер хўжалиқлари-

## Касаба уюшма ташкilotлари бирлашмаси Наманган вилоят кенгаши

Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимларини  
касаба байрамга билан  
муборакбод этади.

### Қадрли журналистлар!

Қалам аҳлининг машаққатли ва шарафли меҳнатидан,  
таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар кун баҳраманд  
бўладиган миллионлаб одамлар сизларнинг тилмолингизда эл-  
юрт манраатини ўйлаб яшайдиган фидойи инсонларни,  
олижаноб касб эгаларини кўради.  
Нафрат истеъдоди ва маҳорати, ҳатто умрини шу заҳматли  
касбга бағишлаган сиз, журналистларнинг фаолиятингиз Она-  
Ватан равақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмаётми. Му азиз  
юрт ва унинг бағрикенг халқи шарафли  
меҳнатингизни ҳамиша қадрлайди!  
Барчангизга сизат-саломатлик, бахт-саодат,  
шижоат ва эзгулик ёр бўлсин!



## Касаба уюшма ташкilotлари бирлашмаси Бухоро вилоят кенгаши

Халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий,  
ҳуқуқий манраатларини ҳимоя қилишга,  
уларни қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса  
қўшаётган қалам аҳлини 27 июн —

Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимлари кунини  
муносабати билан табриклайди.  
Фидойи журналистларга  
сизат-саломатлик,

кут-ғайрат, янгидан-янги ижодий  
ютуқлар, хонадонларингиз байиқ  
барока тилайди.

## Байрамингиз муборак, азиз қалам соҳиблари!


### «Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такоран Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.11.2008 йилдаги № 604-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, 73812-ҳарбий қисмининг 17.04.2012 йилдаги 41/8-2198-сонли хатига асосан, ҳарбий қисмга тегишли Тошкент вилояти Бекobod шаҳри, «Узметкомбинат» ОАЖ ҳудудида жойлашган 73812-ҳарбий қисмда сақланаётган «ГАЗ-66» русумли, 11МХ5214 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 250 185 сўм.  
**Аукцион савдоси 2012 йил 12 июл кунини соат 11:00да бўлиб ўтади.**  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 10 июл кунини соат 18:00.  
Юқоридagi автотранспорт воситаси 2012 йил 12 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такоррий аукцион савдолари 2012 йил 19 ва 26 июл кунлари

соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 19 июлдаги такоррий савдолар учун 2012 йил 17 июл кунини соат 18:00, 26 июлдаги савдолар учун 24 июл кунини соат 18:00.  
Савдо ғолиби деб топиладиган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиши мажбурияти юклатилади.  
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкilotчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850.  
Аукцион савдолари ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел: 228-79-52.

## Ўзбекистон ёқилти-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

Даврнинг долзарб мавзуларини ёритишда  
фаоллик кўрсатаётган, фаолиятимизда  
маслаҳатчи ва кўмакдош бўлаётган  
журналистларни Матбуот ва оммавий  
ахборот воситалари ходимлари кунини  
муносабати билан табриклайди.  
Халқимизни эзгу ишлар сари йўллашда  
ғайрат-шижоат кўрсатаётган қалам аҳлига  
мусплаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва ижодий  
баркамоллик тилайди.



## «NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖ Сизларни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Вилоят давлат мулк босқармасининг 2012 йил 14 июлдаги 31/ас-ер-сонли буйруғига асосан фуқароларга яқка тартибда уй-жой куриш учун сатҳи 0,04 га дан иборат бўлган ер участкаларини мерос қилиб қолдириш шарти билан, умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Косонсой туманидан қуйидаги ер майдонлари очик аукцион савдоларига қўйилмоқда:  
**I. 2012 йил 25 июл кунини соат 10:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига**  
1. Ёшлик ҚФЙ, Жар МФЙ ҳудудидаги 122-контурдаги 174-184-сонли, 11 дона, бошланғич баҳоси 68400 сўмдан, закатат пули 60 000 сўмдан.  
2. Ёшлик ҚФЙ, Боғишамол МФЙ ҳудудидаги 125-контурдаги 1-2-сонли, 2 дона, бошланғич баҳоси 104 000 сўмдан, закатат пули 100 000 сўмдан.  
3. Ёшлик ҚФЙ, Боғишамол МФЙ ҳудудидаги 130-контурдаги 3-5-сонли 3 дона, бошланғич баҳоси 124 800 сўмдан, закатат пули 100 000 сўмдан.  
4. Ёшлик ҚФЙ, Боғишамол МФЙ ҳудудидаги 664-контурдаги 6-сонли 1 дона, бошланғич баҳоси 104 000 сўмдан, закатат пули 100 000 сўмдан.  
**II. 2012 йил 25 июл кунини соат**

**14:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига**  
5. Чиндовул ҚФЙ Равот МФЙ ҳудудидаги 47-контурдаги 1-14-сонли 14 дона, бошланғич баҳоси 68 400 сўмдан, закатат пули 60 000 сўмдан.  
6. Чиндовул ҚФЙ Равот МФЙ ҳудудидаги 37-контурдаги 15-18-сонли 4 дона, бошланғич баҳоси 68 400 сўмдан, закатат пули 60 000 сўмдан.  
7. Ширин ҚФЙ Гулбоғ МФЙ ҳудудидаги 78к-контурдаги 1-2-сонли 2 дона, бошланғич баҳоси 82 080 сўмдан, закатат пули 80 000 сўмдан.  
8. Ширин ҚФЙ Тақаранг МФЙ ҳудудидаги 82к-контурдаги 29-30-сонли 2 дона, бошланғич баҳоси 82 080 сўмдан, закатат пули 80 000 сўмдан.  
**III. 2012 йил 1 август кунини соат 10:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига**  
9. Косонсой шаҳар Обод МФЙ ҳудудидаги 1-51-сонли 51 дона, бошланғич баҳоси 155 840 сўмдан, закатат пули 150 000 сўмдан.  
**IV. 2012 йил 8 август кунини соат 10:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига**  
10. Косонсой шаҳар Садача МФЙ ҳудудидаги 52-62-сонли 11 дона, бошланғич баҳоси 272 720 сўмдан, закатат пули 200 000 сўмдан.  
11. Кукумбой ҚФЙ Навбахор МФЙ

965-контурдан 1-8-сонли 8 дона, бошланғич баҳоси 82 080 сўмдан, закатат пули 80 000 сўмдан.  
12. Кукумбой ҚФЙ Янгишаҳар МФЙ ҳудудидаги 492к-контурдаги 1-4-сонли 4 дона, бошланғич баҳоси 95 760 сўмдан, закатат пули 90 000 сўмдан.  
13. Кукумбой ҚФЙ Янги шаҳар МФЙ ҳудудидаги 512к-контурдаги 5-7-сонли 3 дона, бошланғич баҳоси 82 080 сўмдан, закатат пули 80 000 сўмдан қўйилмоқда.  
Аукцион савдоси юқорида кўрсатилган вақтда Косонсой технология-иқтисодиёт коллежи биносида ўтказилади.  
Аризаларни маэкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунини (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00дан 17:00га қадар Косонсой шаҳар А.Навоий кўчаси 25-уйда жойлашган «Мулкни давлат таъсирфуқидан чиқариш, хуосусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш маркази» хонасида, қолган кунлари Наманган шаҳар Банк кўчаси 9-уйнинг 15 хонаси (Вилоят давлат мулк босқармаси биносида) қабул қилинади ва савдо ўтказиладиган кундан 1 кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Юқорида кўрсатилган кунларда со-

тилмаган тақдирда ер майдонларининг такоррий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 10:00да ўтказилади, маэкур савдодо қатнашиш учун аризалар ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 18:00да тўхтатилади.  
Шунингдек, 2012 йил 27 июл, 3, 10, 17, 24 август кунлари соат 11:00да Поп шаҳри, Н.Ниёзов кўчаси 5-уйда жойлашган Туман ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказиладиган такоррий аукцион савдосига Вилоят давлат мулк босқармасининг 2012 йил 30 апрелдаги 18/ас-ер-сонли буйруғига ва аукцион савдоларини ўтказувчи комиссиянинг 2012 йил 21 июлдаги 6-сонли йиғилиш баённомасига асосан Поп шаҳар, Парда Турсун кўчаси ҳудудида фуқароларга яқка тартибда уй-жой куриш учун сатҳи 0,04 га дан иборат бўлган ер участкаларини мерос қилиб қолдириш шарти билан, умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича 2,3,4,5,10,11,13,14,18-сонли 9 та ер майдонлари ҳар бири 300 000 (уч юз минг) сўмдан бошланғич баҳода, закатат пули миқдори 100 000 сўмдан қўйилади.  
Аризаларни маэкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар кунини (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00дан 17:00га қадар На-

манган шаҳар Банк кўчаси 9-уйнинг 15 хонаси (Вилоят давлат мулк босқармаси биносида) қабул қилинади ва савдо ўтказиладиган кундан 1 кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади.  
Талабгорлар «Заказат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг заказат пулини «Namangan RIELTOR SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипак-тека банк» Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 302162066, 22604000204949150001 ҳисоб-рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари шарт: паспорт нусхаси, заказат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Савдо ғолиби деб топиладиган харидорлар савдо ўтган кундан бошлаб 20 (ийгирма) кун мuddатда олди-сотиш шартномасини имзолашлари, 2 (икки) йил мuddатда намунавий лойихалар асосида уй-жой курилишини амалга оширишлари лозим.  
Ер майдонлари билан боғлиқ сув, газ, электр энергияси билан таъминланганлиги, рельефи, алоқа воситалари, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муқофазаси, канализация, транспорт коммуникацияларига боғлиқ шартлар билан танишиш учун  
**Кўшимча маълумот олиш манзили: «NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖ**, Наманган шаҳри, Банк кўчаси 9-уй (Вилоят давлат мулк босқармаси биноси, 1-қават 15-хона), тел: 8 (369) 226-41-66, www.nrs.uz, e-mail: 1nrs@mail.ru

### «Respublika Mulk markazi» YoAJ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.12.2010 йилдаги № ПП-1444-сонли қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 09.03.2011 йилдаги «O'ZULGURJISAVDO» АКни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 67-сонли қарори ҳамда «O'ZULGURJISAVDO» АКга тегишли бўлган 2012 йил 26 апрелдаги №01-05/119-сонли хатига асосан, «O'ZULGURJISAVDO» АК балансидаги, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси 7-уй манзилида сақланаётган, «Супер салон» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 243 ВСА бўлган, автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 13 008 000 сўм.  
**Аукцион савдоси 2012 йил 30 июл кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.**  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 27 июл кунини соат 18:00.  
Юқоридagi мулк 2012 йил 30 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такоррий аукцион савдолари 2012 йил 14 ва 29 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 14 августдаги такоррий савдолар учун 2012 йил 10 август кунини соат 18:00, 29 августдаги савдолар учун 27 август кунини соат 18:00. Савдо ғолиби деб топиладиган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиши мажбурияти юклатилади.  
Юқоридagi автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкilotчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «Respublika Mulk markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»нинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850 ОКОН-К:83300 Манзил: Тошкент ш. Миробод т. Амир Темури шох кўчаси, 16-«А»-уй. Мурожат учун телефон: (8-371) 233-20-96. www.tppn.uz.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари Марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши жамоалари «Узметкомбинат» ОАЖ касаба уюшма кўмитаси раиси Илхом Қурбоновага валидиан муҳтарамаси  
**Тўпанисдор** авнинг  
вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Истиқлолдан бахт олган эл



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус - 2011» кўрик-танловининг Республика босқичида «Истиқлол» ишлаб чиқариш корхонаси ўз йўналишида гилдири чиқди.

Бахтиёр ака сингари ишбилармонларнинг савий-ҳаракати ўлароқ, вилоят иқтисодий кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсиб бораётган.

Бундан ташқари, машинасозлик ва металл қайта ишлаш «Наманганмаш», «Узэлектротерм», «Мехмаш», «Машхим», «Чустхим», «Сувмет», «Қўғайтамирлаш» каби илгор корхоналарда қолмида пайвандланган сурма қопқоқлар, трансформаторлар, тўғри чокли қувурлар, саялқалар, турли насос ва роторлар учун эҳтиёт қисмлар ва спорт жиҳозлари иш-

лаб чиқарилмоқда. Бунёдкорлик устувор мақсад этиб белгиланган ҳудудда қурилиш санотини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга хусусий тадбиркорларнинг қизиқиши билдираётгани, табиийки, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдаги асосий омилдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда эса «МарвелДжусКо», «Чустагромир», «Намангандонмаҳсулотлари», «Учқўргондони маҳсулотлари», «Учқўргон» каби корхоналар етакчилик қилмоқда.

Корхонанинг муваффақияти билан ишлаётган тармоқларидан бири бошқа илгори озуқаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Дастлабки йилларда 90 тоннагача болалар бутқаси тайёрланган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 600 тоннадан ошган.

Бугун республика миқёсидаги кўпқабатли тадбирлар ўтказилаётган «Ёшлар маркази» фаолияти ҳам фикримиз далилидир. Бу ер фаол ёшлар тўпланиши, уларнинг эзгу гоғлари, ташаббуслари чархланадиган, баҳсларда тобланадиган маҳон. Истиқлол ёшларга тенгсиз шароитларни яратиб берганлиги учунгина эмас, мустақил фикрини билдира олиш, уни муҳокама этиш эркини тўхфа этганлиги учун ҳам қадрилик, назаримизда.

Утган йилда «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танловининг мамлакат босқичи ҳам «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан келган иқтидорли ёшлар ўзларининг архитектура ва дизайн, бадий хунармадчилик ва халқ амалий санъати, қишлоқ хўжалиги, энгил санот, озиқ-овқат саноти сингари йўналишларда лойиҳа ва ишланмалари билан иштирок этишди.

Ғап ёшларнинг муваффақияти ҳақида кетар экан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Ойхон Эркинжонов, миллий кураш бўйича республика чемпиони Арофат Азимова, бадий гимнастика бўйича «Биллур капалак» республика биринчилиги қолбалири Шахризода Омонова, Махлиё Маликова-ларнинг номини эслаш кифоя.

Хали ёш бўлишига қарамай, Дурдонанинг ўзи ҳам устозлик заҳмати билан бирга, унинг тотли шарафларига ҳам муяссар бўлди. 2010-2011 ўқув йилида ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида қолбалири қўлга киритди.

«Чортоқ» санаторийси ОАЖ маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ҳақида республика аҳолисини ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилиш билан боғлиқ долзарб вазифалар бугунги журналистнинг касбий масъулиятига айланиб улгурди.

сутли, олмали, бананли, гречкали, бугдойли, беш хил мева ва беш хил донли бутқаларга талаб тобора ошиб бормоқда.

МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ Вилоятда келажимиз эгаларининг ҳар тарфлама баркамол бўлиб вояга етиши учун етарли шароит

ЕР ЭҒАЛАРИ САХОВАТИ

— Истиқлол тўғрисида эргалик ҳиссини тўйдик, — дейди биз билан сўбатда поплк фермер Фарҳоджон Аҳмадулов. — Ер ўзиники эканлигини ҳис қилган киши чин дилдан ишлаши табиий. Эртага ҳам шу туپроққа уруғ қадаб, ҳосилдан манфаатдор бўлишигизга ишонсангиз, ерга меҳрингизни аямасиз.

Ф.Аҳмадулов сингари фермерлар вилоятда кўпқабатли топилди. Ўзбекистон Қарамонни Халқхон Мирзаева ҳам улардан бири.

Ернинг муваффақияти билан таъминланди. Уларда 20 дан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Ерни улуғлаб, ўзи улуғланаётган бундай қишлоқнинг меҳнати сабаб, бугун биз фаровонлик завқини туймоқдамиз.

Илоҳим, мустақиллик берган бу имконлар хайри ва давомли бўлсин. Ҳар дам, ҳар соатда унга муносиб бўлиш учун амалга ошираётган иштиқларимиз ВАТАН номини кўларга қўтаришга ҳизмат этсин.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири



Саломатлик — биринчи ўринда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қизгин баҳслардан сўнг 25-34 яшар хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринга Дилором Сейтова сазовор бўлди.

35 ва ундан катта ёшдаги хотин-қизлар ўртасида Улзира Реймова, Валида Тлеуова, Улзира Аюезмуратова совриндор бўлдилар.

25-34 ёшлилар ўртасида Руслан Алимбетов, Қурал Қадиримбетов ва Сапарбай Дўйсенова етакчилиги топилди.

Қувват ҚАДИРИМБЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Қарши шаҳрида ўтган веломарафон баҳсларининг вилоят босқичида касаба уюшмалари тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 45 нафар ҳаваскор спортчи иштирок этди.

Баҳслар 24-35 ёшдан юқори бўлмаган эркак ва аёллар ҳамда 35 ёшдан ошган спортсеварлар ўртасида кечди. Қарши давлат университети ўқитувчиси Камол Бўриев, мурраббо Қўмакшўручи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши йўриқчиси Дилбар Султонова ва шу ташкилот муррабийи Илдус Бикмаев мусобақа якунида энг яхши натижани қайд этиб, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг совғалари билан тақдирланди.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан уюштирилган веломарафон баҳслари ҳам қизиқарли кечди.

25-34 ёшлилар орасида қолбалик эркаклар ўртасида Руслан Юсуповга, хотин-қизлар ўртасида Малухат Раҳимбоевага насиб қилди.

35 ёш ва ундан катталар ўртасида эса Маҳмуд Қўшчонов ва Тўлғаной Хўжамуродова қолбалик бўлишди. Спорт мененг жону дилим, — дейди Тўлғаной Хўжамуродова. — Шу тўғрисида тенгқурларимизни безовта қилаётган айрим дардлардан қили яшавганимдан хурсандман.

К. УРОЗИМБЕТОВ, Муаллиф олган сурат



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV,

Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV,

To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon +99897 465 05 68; Buxoro +99893 653 50 81;

Jizzax +99872 360 00 10; Navoiy +99894 226 28 84;

Namangan +99897 491 79 28; Samarqand +99866 708 70 12;

Surxondaryo +99897 458 05 07; Farg'ona +99873 221 93 19;

Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75; Qashqadaryo +99897 414 30 78

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: Ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Toshev

Navbatchi: S. Abdurahmonov

Musahhih: N. Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi: H. Abdullilov

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri ta'biriyot nuqtai nazaridan farg'lanishi mumkin.

h - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida O116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosilishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 20.40

Buyurtma Γ — 611

21585 nusxada bosildi

1 3 4 5

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши. Соҳа фидойиларини Савдо, матлубот кооперацияси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари қуни билан табриклайди. Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлидаги меҳнатларингизда зафарлар тилайди. Оилангизни тинчлик-хотиржамлик, кут-баракат асло тарқ этмасин!

«Чортоқ» санаторийси ОАЖ маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ҳақида республика аҳолисини ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилиш билан боғлиқ долзарб вазифалар бугунги журналистнинг касбий масъулиятига айланиб улгурди. Истиқлол сабаб юртимизда бу масъулиятни ўзига шиор қилган оммавий ахборот воситалари ходимларининг шундай қатлами шаклланди. Юртимиздаги барча ОАВ фидойиларини касб байрами билан қутлайди. Касбингиздан унаётган барака туганмас, ризқингиз бутун, ижодий салоҳиятингиз юксак бўлсин! Сирдошингиз — қаламнинг сиёҳи фақат эзгуликларга хизмат қилаверсин. Санаторий жамоаси сизларни ўлкамизнинг баҳаво масканларига таклиф этади. «ЧОРТОҚ» санаторийси Наманган шаҳридан 25 км. масофада, Чортоқсой дарёси ёқасида, Чортоқ тоғ адирида жойлашган балнеологик ва иклимий курорт. Юрак қон-томир, оғвақ ҳазм қилиш ва таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари билан оғриган беморлар учун шифобахш табиий омиллар мавжуд бўлиб, йод, бромли ҳамда бошқа кўпгина минералларга бой бўлган маъданли сувлар ичиш ва ванналар бериш учун қўлланилади. Шифобахш балчик аппликация ва гальвано-балчик усулида берилади. Ўткир миокард инфарктини кечирган беморларнинг соғлигини тиклаш учун реабилитация бўлими фаолият кўрсатади. Замонавий ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари ёрдамида физиотерапия, лазер, сув билан даволаш, даволаш бадантарбияси, уқалаш, психотерапия, фитотерапия ва пархез оғвақлар сизнинг соғлигингизни тиклаш учун фаолият кўрсатади. Ётоқ бинолари барча қулайликларга эга бир ва икки хоналардан иборат. Манзил: «Чортоқ» санаторийси ОАЖ 161004, Наманган вилояти, Чортоқ тумани, А.Сайдалиев кўчаси, 5-уй.Тел.: 8-369-41-26-444

Хизматлар лицензияланган